



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

19«iyul»2023 jil.

596-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
17 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
tizимидаги айрим спорт-таълим муассасаларига 2023/2024-ўқув йили учун
ўқувчилар қабулини ташкил этиш тўғрисида”ги 01/933-A/F-сон
буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 17 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим спорт-таълим муассасаларига 2023/2024-ўқув йили учун ўқувчилар қабулини ташкил этиш тўғрисида”ги 01/933-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 17 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим спорт-таълим муассасаларига 2023/2024-ўқув йили учун ўқувчилар қабулини ташкил этиш тўғрисида”ги 01/933-A/F-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

а) Қуйидагилар:

- Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, Денов ва Урганч дзюдо спорт маҳорат мактаблари, гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби, бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби, Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати, Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби ҳамда Республика олимпия захиралари теннис мактабларига (бундан буён матнда спорт-таълим муассасалари деб юритилади) **2023/2024-ўқув йили** учун ўқувчиларни қабул қилиш бўйича комиссия раислари ва масъул котибларининг таркиби **1-иловага;**

- **2023/2024 ўқув йили** учун спорт-таълим муассасаларининг қабул режаси **2-19 иловаларга;**

- Спорт-таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтиҳонларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича

Республика ишчи гуруҳ таркиби (бундан буён матнда Республика ишчи гуруҳи деб юритилади) **20-иловага** мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Республика ишчи гуруҳ (Ш.Махмудов)га:

- спорт-таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтиҳонларни шаффоф ва адолатли тарзда ўтказиш ишларини ташкил этиш;

- спорт-таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтиҳонларни ўтказиш ишларига тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб қилиш;

- ҳужжатларни қабул қилиш ва ижодий имтиҳонлар тугагандан сўнг уч кун муддатда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирига ахборот киритиш вазифалари юклатилганлиги;

в) Спорт-таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтиҳонларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳ таркиби аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ сарф-харажатлари асосий иш жойидан қопланиши белгилаб қўйилганлиги;

г) Белгилансинки:

- спорт-таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар жорий йилнинг **18 июль – 7 август** кунлари (шу кун ҳам) мобайнида <https://erp.sport.uz/dashboard1> платформаси орқали онлайн қабул қилиниши;

- касбий (ижодий) имтиҳонлар жорий йилнинг **8 - 14 август** кунлари ўтказилиши;

- касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари жорий йилнинг **15 август** куни эълон қилиниши;

д) Қабул комиссияси раислари ва масъул котибларига:

- **уч кун муддатда** спорт-таълим муассасалари ҳудудида таълим муассасаларида ўқиш истаги бўлган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини қабул билан боғлиқ қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9:00 дан - 17:00гача (жорий йилнинг 6 августигача бўлган муддатда) ишлайдиган мурожаатлар маркази (“call markaz”) фаолиятини ташкил этиш;

- **2023/2024 ўқув йилида** таълим муассасаларига танланган спорт турлари бўйича ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатларини жорий йилнинг 18 июль – 7 август кунлари (шу кун ҳам) қабул қилиш, шунингдек 2 августга қадар ўқишга кириш учун касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш бўйича қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш;

- спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ёритиш, шунингдек ўқувчилар қабулини ошкора ва демократик тамойиллар асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида имтиҳонларни фото ва видеотасвирга тушириш;

- касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларини жорий йилнинг **15 август** куни эълон қилиш ва имтиҳондан ўтмаган ўқувчиларнинг ҳужжатларини уларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариб бериш ишларини ташкил этиш;

- имтиҳонлардан норози бўлган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мақсадида холис ва тажрибали мутахассислардан иборат апелляция комиссиясини ташкил қилиш;

- спорт-таълим муассасасига ўқишга кириш учун талабгорлардан тушган аризалар бўйича маълумотларнинг ҳужжатларни қабул қилиш яқунлангунга қадар ҳар куни ҳамда қабул яқунлари бўйича ҳисоботни жорий йилнинг 6 август кунига қадар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) Профessional ва ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига тақдим этиш вазифалари юклатилганлиги;

е) Профessional ва ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Ф.Турдиев)га:

- спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда шаффофлик, холислик ва адолат принциплари асосида ўтказилишини назорат қилиш;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ билан ҳамкорликда ҳужжатларни онлайн топшириш юзасидан масъул котибларга семинар ўтказиш;

- қабул жараёнлари юзасидан мунтазам вазирлик раҳбариятига ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилганлиги;

ё) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари бошлиқлари ҳамда Спорт-таълим муассасалари директорларига:

- спорт-таълим муассасаларининг **2023/2024 ўқув йили** учун тасдиқланган қабул режасига қатъий амал қилган ҳолда ўқувчиларни қабул қилиш;

- спорт-таълим муассасаларига спорт мактаблари, спорт клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, спорт билан шуғулланишга иқтидори бўлган ҳамда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган танловда ғолиб ва совриндор бўлган таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш вазифалари юклатилганлиги;

ж) Белгилаб қўйилсинки:

- спорт-таълим муассасаларининг **2023/2024 ўқув йили** учун қабул режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазирликнинг рухсати билан амалга оширилади;

- спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонларини назорат қилиш учун вазирлик ҳамда спорт турлари бўйича тегишли Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари ва спорт турлари бўйича тегишли федерациялар (ассоциациялар) мутахассислари жалб қилиниши белгиланган.

3. Вазирлик тасарруфидаги барча спорт-таълим муассасалари раҳбарларига:

Мазкур буйруқнинг 2-бандидаги спорт-таълим муассасаларига **2023/2024 ўқув йили** учун қабул жараёни бўйича спорт мактаблари, спорт клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, спорт билан шуғулланишга иқтидори бўлган

ҳамда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган танловда ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни йўналтириш вазифалари юклатилсин.

4. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (Б.Толибоев)га:

Мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров